

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматриваются обогащение лексических единиц в форме англицизмов в области спорта в каракалпакском языке, исследуется влияние английского языка на каракалпакскую спортивную терминологию. Проводится анализ каракалпакских спортивных терминов английского происхождения, рассматривается роль англоязычных заимствований в спортивной терминологии каракалпакского языка.

SUMMARY. This article discusses the enrichment of lexical units in the form of Britishism in the field of sports in the Karakalpak language, and examines the influence of the English language on the Karakalpak sports terminology. The analysis of the Karakalpak sports terms of English origin is carried out, the role of English borrowings in the sports terminology of the Karakalpak language is considered.

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАЪРИФИ

А.А.Худайберген – *филология фанлари бўйича фалсафа доктори*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: антропоцентризм, лингвомаданиятшунослик, лингвопрагматика, лингвокогнитология, маданиятлараро мулоқот.

Ключевые слова: антропоцентризм, лингвокультурология, лингвопрагматика, лингвокогнитология, межкультурная коммуникация.

Key words: anthropocentrism, linguoculturology, linguopragmatics, linguocognitology, intercultural communication.

Ҳозирги замон тилшунослиги тилни ўрганишда «инсон омилини» ҳисобга олувчи антропоцентризм тамойилига асосланади. Лингвомаданиятшунослик, лингвопрагматика, лингвокогнитология, маданиятлараро мулоқот каби янги фанлар доирасида ўз тадқиқотларини олиб боровчи антропоцентрик илмий парадигма тилни ўрганишда янги ёндашувларни тавсия қилади.

Гуманитар фанлар доирасида «Маданият» тушунчаси фундаментал тушунчадир. Гуманитар фанларнинг ҳар бир тармоғи маданият тушунчасини ўрганишнинг ўзига хос аспектини танлаб олади ва ўзича таъриф беришга интилади. Бу қонуний ҳолатдир, чунки маданият тушунчаси кўп вазифали характерга эга. Шу сабабли ҳам маданиятни ҳар хил фанлар – семантика, жамиятшунослик, тарих, антропология, тилшунослик, этнология ва бошқа фанлар ўрганади. Кўрсатилган ҳар бир фан унинг бирор бир томонини ёритади ва ўз метод ва тавсифлари воситасида таҳлил қилишга ҳаракат қилади.

Инсон тили энг камида учта ижтимоий вазифани бажаради: ижтимоий алоқа воситаси бўлиш, ҳар хил табиий ҳодисаларнинг семиотик белгиси ва тафаккурни шакллантирувчи когнитив вазифани бажариш [5:14-15]. Мазкур учта вазифа вербал ва невербал воситалар ўзаро таъсири натижасида маданиятлараро мулоқотда ўз аксини топади [3:117]. Тил маданият билан чамбарчас боғлиқдир. У тафаккурнинг асосий моҳиятини акс эттириб, маданиятлараро мулоқотда алоҳида ажралиб туради. Ўз вақтида В.фон Гумбольдт таъкидлаганидек, «Сезгилар ва ғоялар ўзаро алмашилишига асосланган, ҳаётий ташкил этилган суҳбат тилнинг марказини билдиради, унинг моҳиятини биз товушлар ва жавоб товушлари, нутқ ва жавоб нутқи деб тасаввур этамиз: тилнинг келиб чиқиши ва ўзгариши бир инсонга боғлиқ эмас, балки инсонлар жамоасига боғлиқдир. Ҳар бир инсоннинг тил қобилияти унинг қалбнинг чуқур жойларида сакланади ва фақат алоқа-аралашув шароитидагина ҳаракатга келади» [2:380-381].

Асосий қисм. Маданиятлараро мулоқот соҳасидаги тадқиқотлар ҳар хил тушунчалар ва категориялар воситасида амалга оширилади, улар эса ўрганилаётган жараёнларнинг хусусиятини ва ушбу фан соҳасининг муаммоларини очишга ёрдам беради. Булар орасида марказий ўринни «маданият» тушунчаси эгаллайди. Инсон мавжудлигининг маданий муҳитини тушунишнинг ҳар хил методологик ёндашувлари мавжуд бўлиб, уларда маданият намоён бўлишининг ҳар хил тасвифлари келтирилади:

1. Ижтимоий ҳаёт ва унинг ташкил этилиш омили сифатида маданиятни социологик тизимлаштириш. Булар инсонларнинг жамоавий ҳаёт кечиришини таъминловчи ғоялар ва тамойиллар йиғиндисидир. Қуйидаги тавсифни қиёсланг: «Маданият – бу инсон шахсининг социал аспекти бўлиб, унинг ўзлаштирган

ва эга бўлган хулқ-атворидир. Маданият ушбу маданиятни қабул этган шахс каби динамик ҳодиса, уларнинг ҳар иккиси ҳам (шахс ва маданият) замон ва шароит тақозоси билан ўзгаради» [11:21].

2. Маданиятни тарихий талқин этиш. Ушбу талқинга кўра, маданият-жамият тарихининг махсули. Демак, у инсониятнинг қўлга киритган тажрибаларидан иборат бўлиб, авлоддан авлодга ўтади ва шу асосда ривожланади. Яна ушбу таърифни солиштиринг: «Маданият – бу биргаликда ҳаёт кечиришнинг натижаси, маданият – унинг асосий таркибига аниқ белгиланган инсонлар жамоаси, уларнинг муайян тарихда яшаш даври. Маданият-инсоният жамоасининг хулқ-атвори меъёрларига тўғри келмайдиган нарсаларни қабул қилмаслик усулларини белгиловчи тарихий жараён» [12:122].

3. Маданиятнинг моҳиятини меъёр жиҳатидан тушунтириш, яъни инсон ҳаёти белгиладиган маданиятнинг меъёри ва қонун-қоидалари унинг мазмунини очиб беради. «Культурология. XX век» (1997, 192 б.) луғатида маданият «табиий яратилишга қўшимча равишда келтирилган сунъий тартиб-қоидалар ва объектлар, инсоният хулқ-атвори ва фаолияти бўйича ўрганилган шакллар, олинган билимлар, ўзини-ўзи англаш ва объектив борлиқни рамиқли белгилаш шакллари йиғиндисидир» деб таъриф берилган [4:192].

Ушбу таърифга қўшимча равишда маданият тавсифига қабул қилиш, тасаввур этиш, баҳолаш ва ҳаракат қилиш учун керак бўлган билимлар ва нормалар тизимини киритиш мумкин. «Ушбу тизим инсонларнинг объектив борлиқ билан ўзаро муносабатлари учун хизмат қилувчи ижтимоий ўзлаштирилган хулқ-атвор моделларидир. Улар вақт ўтиши билан аста-секин ривожланади, эволюцияни бошидан кечириди» [8:24].

4. Маданиятнинг психологик концепцияси маданиятнинг инсон хулқи психологияси билан боғлиқлигига асосланади. Бунда инсон психологияси ижтимоий шартланган бўлади. Бу бўйича шундай фикр бор: «Маданият – бу турмуш тарзи, у шундай контекстки, биз унда яшаймиз, фикр қиламиз, ҳис қиламиз, сезамиз, бир-биримиз билан мулоқот қиламиз. У шундай бир «елим»ки, у бир гуруҳ кишиларни яхлит бир бутунга бирлаштиради. У болаликда одатланган, бизнинг жамиятдаги хулқ-атворимизни бошқарадиган, ундан нималарни кутиш ва нималар бўлиши мумкинлигини билдирадиган дастур. Маданиятни мазкур гуруҳ кишиларини муайян вақтда характерловчи ғоялар, урф-одатлар, кўникмалар, метод ва усуллар» деб белгилайди.

5. Маданиятни дидактик тушунтириш. Инсон ўрганиш жараёнида кўп хусусиятларни ўзида жамлайди, яъни улар хулқ-атвор йиғиндиси бўлиб, инсонга генетик жиҳатдан берилмайди. Буни ушбу фикр билан қиёсланг: «Маданият инсонга хос бўлган ва

улар хулқ-атворини белгиловчи ҳаётий идеаллардан, кадрият ва тасаввурлардан иборат бўлади. Маданият ёшликдан тарбияланади ва ўзлаштирилади ва авлоддан-авлодга ўтказилади» [7:34].

6. Антропология маданиятнинг асосий маъносини фаолиятда кўради. У маданиятни «инсоният жамиятнинг барча соҳалари ва омилларидаги (ғоялар, эътиқодлар, урф-одатлар, анъаналар) фаолиятлар натижалари йиғиндиси деб қараб, ҳар бир миллат, синф, одамлар гуруҳининг муайян даврдаги турмуш тарзининг таркиби ва шартланганлиги хусусиятларидир» [6:34].

Маданиятни антропологик нуқтаи назардан тушунтиришда унинг таркибига бирор жамиятнинг кадриятлари, меъёрлар ва рамзлар тизими жамланади. Улар ушбу маданият вакиллариининг тафаккури, тасаввури, идрок қилиш ва хулқ-атвори хусусиятларини акс эттиради.

Когнитив антропология тарафдорлари учун маданият билимлар тизими сифатида мавжуд. Улар индивидлар онгида мавжуд бўлган муайян тафаккур категорияларидир.

В.Гудэнаф тасаввурчи: «Маданият – моддий ҳодиса эмас: у нарсалардан, инсонлардан, хулқ-атвор ёки эмоциялардан иборат ва шуларнинг барчасини бирлаштирувчи шаклдор. У инсонларнинг бирор нарсани ўйлашининг, уларнинг идрок этишининг ва тушунишининг, муносабати ва унинг таҳлил этилишининг модели» [10:48].

К.Гиртц бошқача позицияда туради. Унингча, маданият инсонлар онгида мавжуд бўлган билимлар эмас, балки назорат этувчи механизмлар репертуаридир, яъни «режалар, усуллар, қоидалар, йўриқномалар»дир [9:14]. Шулар ёрдамида инсонларга таъсир этиш, уларнинг хулқ-атворини бошқариш мумкин. Маданият билан шартланган билимлар эса инсонлараро муносабатнинг юзага чиқишидир. Сўзлар эса рамзлар сифатида тушунилади. Сўзлар воситасида ҳар хил мўлжаллар ифода этилади.

Юқорида таъкидланган концепцияларнинг умумий характери шундаки, улар таҳлил қилиш характериға эга бўлиб, унга катта бўлмаган кишилар жамоасининг кундалик ҳаётини ўрганишга йўналтирилган ва улар маданияти асосларини муайян норма ва қоидалар ташкил этади. Ушбу норма ва қоидалар улар ҳаётининг барча томонларини тартибга солади. Агар маданий-антропологик аспектдан олиб қаралса, маданият қуйидаги хусусиятлари билан характерланади:

1) Маданият – бу инсоният ҳаётининг универсал ҳодисаси, яъни маданият барча инсоний жамоаларга хосдир.

2) Маданият кишиларнинг биргаликдаги ҳаётий фаолиятининг махсули.

3) Маданият кадриятларда, урф-одатларда, қоидаларда, анъаналарда ифодаланади.

4) Маданият ўрганиш натижасида ўзлаштирилади, аммо у генетик мерос эмас.

5) Кишиларнинг ҳар хил тўдалари этник, ҳудудий ва ижтимоий маданиятларни яратганлар;

6) Маданият динамик ҳодиса, у ривожланишга ва янгилашга, доимий янги шаклларнинг пайдо бўлишга мослашган ҳодиса, ўзгарувчан ҳаёт шароитларига адаптация қилинишга имкон беради.

7) Инсон жамоаси ҳаёт фаолияти махсули бўлса ҳам, маданиятни ташувчилар индивидуал шахслардир.

8) Маданият жамият ва унинг аъзоларининг идентификатори вазифасини бажарувчи моҳиятдир.

Хулоса. Тил ва маданият орасидаги боғлиқлик бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги жамият ва ҳар бир шахснинг нутқ аспектида билинади. Бу эса «Тил маданиятнинг шаклидир», деган ақиданинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди.

Тил юқорида таъкидланган маданиятга алоқадор бўлган барча объектлар билан яқинлашади. Агар биз «шакл ва мазмун» муносабатини мисол тариқасида олсак, тил билан маданият санъатга нисбатан шакл ва мазмун муносабатидадир. Ўз-ўзидан аниқки, оламнинг линсоний манзараси айрим халқларда (хитойлар, японлар, араблар, форслар) рассомлик санъати мисолида тил билан яқинлашади, аммо иероглиф ёзуви базасида рассомчиликнинг бошқа бир тури мавжуддир.

Умуман, тил маданият шакли сифатида қўлланилади, маданиятнинг санъат маъносида тушунилиши айрим нутқ турларидагина содир бўлади, тил маданий ҳодисаларнинг ташқи шакли сифатида ишлатилади [1:28]. Маданиятлараро мулоқот жараёнлари фаолиятнинг ўзига хос шакли бўлиб, у фақат чет тилини билиш билан қифояланиб қолмасдан, балки бошқа халқлар моддий ва маънавий маданиятини, дини, кадриятлари, дунёқараши тасаввурларини билишни ҳам талаб этади. Уларнинг барчаси қўшилиб мулоқот жараёнидаги хулқ-атвори моделини белгилайди.

Чет тилларини ўрганиш ва ундан халқаро алоқалар воситаси сифатида фойдаланиш бугунги кунда ушбу тиллар вакиллари маданиятини, менталитетини, миллий характерини, турмуш тарзи, дунёни идрок этишини, урф-одати, анъаналарини чуқур ва ҳар томонлама ўрганмасдан туриб мумкин эмас. Мана шу икки хил талабни, яъни тил ва маданият билгандагина самарали ва сермахсул алоқа амалга ошади.

Адабиётлар

1. Воробьев В.В. Лингвокультурология: (Теория и методы). – М.: РУДН, 1997. – С. 28.
2. Гумбольдт В.фон. Избранные труды по языкознанию. – М.: «Наука», 1985. – С. 380-381
3. Елизарова Г.В. Культура и обучение иностранным языкам. – Санкт-Петербург: «Каро», 2005. –С. 117.
4. «Культурология. XX век». Энциклопедия. 2 тома. СПб: 1997. –С.192.
5. Потебня А.А. Мысль и язык. Полное собрание трудов. – М.: «Лабиринт», 1999. – С. 14-15.
6. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: «Слово», 2009. 34-6.
7. Brislin R.W. Understanding Culture's Influence on Behavior // Fort Worth Harcourt Brace College Publishers. – New York: 2009. – P. 34.
8. Fatehi K. International Management: A Cross-Cultural and Functional Perspective. Upper Saddle River. – New York: Basil Blackwell, 2006. – P. 24.
9. Geertz C. The Interpretation of Cultures. – New York: «Garland», 2003. – P. 14.
10. Goodenough W.H. Cultural Anthropology and Linguistics // Report on the Seventh Annual Round Table Meeting on Linguistics and Language Study. – Washington: 1997. – P. 48.
11. Hofstede G. Culture and Organizations (Intercultural Cooperation and its Importance for Survival) Software of the Mind. – London: Duckworth, 2007. – P. 21.
12. Walton C.C. The Moral Manager. – New York: Harcourt, Brace and World, 2009. – P. 122.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада ҳозирги замон тилшунослигида тилни ўрганишда «инсон омилини» ҳисобга олувчи антропоцентризм тамойилига асосланиб таҳлиллар олиб борилган ва маданиятлараро мулоқот

тушунчасининг таърифи ва дунё тилшуносларининг маданиятлараро мулоқот тушунчасига билдирган фикрлари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье были проведены анализы на основе принципа антропоцентризма, учитывающего «человеческий фактор» при изучении языка в современном языкознании, и определение понятия межкультурная коммуникация и мнения мировых лингвистов о понятии межкультурной коммуникации.

SUMMARY. In this article, analyzes were carried out on the basis of the principle of anthropocentrism, taking into account the "human factor" in the study of language in modern linguistics, and the definition of the concept of intercultural communication and the opinions of world linguists about the concept of intercultural communication.